

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Махалла ва Нуронийларни куллаб  
кувватлаш Карши тумани булими

О.Рахмонов

«\_» 2022 й



БУЮРТМАЧИ:

## «Махалла ва Нуронийларни куллаб кувватлаш Карши тумани булими»

Махалла ва Нуронийларни куллаб кувватлаш жамгармаси Карши тумани булими ишчиходимларининг иш жарёnlарида қулайликлар яратиш мақсадида мебеллар сотиб олиш

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Карши тумани -2022

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллӣ Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Қишлоқ ва Махалла фуқаролар йигинлари ходимларининг иш жарёнларида қулайликлар яратиш мақсадида мебеллар сотиб олиш бўйича замонавий ускуналар билан жихозланган бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

##### **1.2. Танловнинг охирги қиймати**

###### **– Офис мебеллар жамланимаси**

Стол для руководител -улчами 1800x800x750, стол приставка 1200x750x740 , шкаф комбинированный 1400x420x2100, Подставка под телефонъ 1100x420x620, 3 стули билан Материал: Е EGGER Лиственница Горная Антрацит в комбинации Е EGGER Лиственница Горная Белая,Ручки: Из нержавеющего металла, Петли: Вакуумные, ХДФ (алгорит) Кромка: ПВХА 35/2, 19/02, 19/04мм, Ножки: Подпятка, Закрепление: Евро стяжка, саморезы 16мм (турецкие), саморезы рояльные 22мм, клей акфекс

Бир туплам 4 000 000 (турт миллион) сўмдан.

- Стол ярим юмшок металлический Материал: ХБ, поролон, мягкими сиденьями и спинками. Бир донаси 195 000 (Бир юз туксон беш минг) сўмдан.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якуплари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. “Махалла ва Нуронийларни куллаб кувватлаш Карши тумани булими”**  
(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 7301200, Ўзбекистон Республикаси, Карши тумани Навоий махалласи Навоий кучаси 50-уй 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

**2.3. Танлов “Махалла ва Нуронийларни куллаб кувватлаш жамгармаси Карши тумани булими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.**

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.**

**3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:**

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

**3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.**

**3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:**

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.**